

Нефт маҳсулотларини етказиб бериш ҳақидаги ШАРТНОМА № 18/1

Урганч тумани

“ 12 ” январь 2022 йил

“Соглом авлод учун” нинг қуйида “Истеъмолчи” деб номланувчи жамият номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбари Ю.Мехмонова шахлигида бир томондан, иккинчи томондан “Урганч нефт базаси” масъуляти чекланган жамиятининг қуйида “Етказиб берувчи” деб номланувчи жамият номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор С.Маткаримов шахлигида, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида тузилди.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Етказиб берувчи» “Истеъмолчи”га нефт маҳсулотларини “Истеъмолчи”нинг талабномада кўрсатилган эҳтиёжларига асосан тузилган ва қуйида келтирилган жадвалга биноан етказиб беришни ўз зиммасига олади.

Нефт маҳсулотларини нотури	Йиллик микдор (тонна)	1 тонна нархи (сўмда)	умумий суммаси	Шу жумладан чораклар бўйича							
				I-чорак		II-чорак		III-чорак		IV-чорак	
				тн	сумма	тн	Тахминий сумма	тн	Тахминий сумма	тн	Тахминий сумма
Автобензин АИ-91	0,600	12378416,86	7427050,11	0,600	7 427050,11						

1.2. “Истеъмолчи” маҳсулот учун тўловни ва маҳсулотни қабул қилиб олишни томонларнинг ўзаро келишувига асосан белгиланган муддатда ва ҳажмда амалга оширишни ўз зиммаларига олади.

Шартноманинг умумий суммаси 7 427050,11 сўмни ташкил қилади.

2. МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ.

1.3. Нефт маҳсулотлари «Истеъмолчи»га ўз автотранспортида, маҳсул автотранспортида (транзит билан), белгиланган тартибда етказиб берилади. «Истеъмолчи» нефть маҳсулотларини ўз тасарруфидаги транспорт воситаси билан олиб кетишда, нефть маҳсулотларини ташишда қуйиладиган барча ёнгин ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилишни ҳамда «Етказиб берувчи»га нефть маҳсулотларини ташиш бўйича моливий эътирозни йўқлигини ўз зиммасига олади. Ушбу талаблар бажарилмаган ҳолатда автоцистерналарга маҳсулот қуйишга рухсат берилмайди.

2.2. “Истеъмолчи”да нефт маҳсулотларини сақлаш учун идоровий нефт омбори ҳамда нефт маҳсулотларини ташиш учун маҳсул автотранспорт воситаси мавжуд бўлса, бундай истеъмолчиларга нефт маҳсулотлари уларнинг автотранспортига юклаб юбориш орқали етказиб берилиши мумкин. Бундай ҳолларда маҳсулотни топириш ва қабул қилиш “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг нефт омборида амалга оширилади. Маҳсулот “Етказиб берувчи”нинг омборидан “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан транспорт воситасида олиб кетилганда товар-транспорт ҳужжатлари расмийлаштирилган сана “Етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. “Истеъмолчи”нинг маҳсул автотранспорт воситасида нефт маҳсулотларини ташиш “Хавфли юкларни ташиш қоидалари”га мувофиқ амалга оширилиши шарт. Акс ҳолда транспорт воситаси “Етказиб берувчи” нефт омборига киритилмайди.

2.3. Нефт маҳсулотлари “Истеъмолчи”га “Етказиб берувчи”нинг маҳсул транспорт воситасида етказиб берилса, маҳсулотни топириш ва қабул қилиш “Истеъмолчи”нинг нефт омборида амалга оширилади. Маҳсулот “Истеъмолчи”нинг омборида “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан маҳсулотни қабул қилинганлиги тўғрисида товар-транспорт нақлиётига имзо қўйилган сана “Етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Маҳсулотни топириш ва қабул қилиш бевосита “Истеъмолчи” вакилининг хоҳишига кўра “Етказиб берувчи”нинг нефт омборида амалга оширилиши мумкин.

2.4. Нефт маҳсулотлари “Етказиб берувчи”га тегишли бўлган ёнилги таркатиш шахобчаси орқали етказиб берилса, бунинг учун “Истеъмолчи”нинг ишночмасига мувофиқ маҳсулотни ёки қилги таркатиш шахобчасида олиш тўғрисида рухсатнома расмийлаштирилади. Мазкур рухсатнома “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан ёнилги таркатиш шахобчасига тақдим қилинади. Шаҳобча оператори ўз навбатида таркатиш арақаси юрилади. “Истеъмолчи” вакилига берилган маҳсулот таркатиш арақасига киритиб борилади. Таркатиш арақасида “Истеъмолчи”нинг вакилининг маҳсулотни микдоран тўлиқ олганлиги тўғрисида имзо қўйилган сана, «Етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

2.5. Маҳсулот «Истеъмолчи»нинг манзилига транзит тартибда темир йўл траспортида етказиб берилганда, темир йўл нақладойига юкни ташишга қабул қилинганлиги тўғрисида қўйилган белгидаги сана “Етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Бундай ҳолатларда маҳсулотни қабул қилиш амалдаги “Нефт, газ конденсати ва нефт маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ташиш ва ҳисобини юритиш бўйича қўлланма”га мувофиқ амалга оширилади.

2.6. Маҳсулотга эгаллик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, маҳсулотга зиён етиш хавфи «Етказиб берувчи» шартнома мажбуриятини бажарган санадан эътиборан «Истеъмолчи»га ўтади.

2.7. Нефт база омборига маҳсулот қуйиш учун олиб келинган автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бермаган тақдирда автоцистерналар маҳсулот қуйишга киритилмайди. Мазкур транспорт воситаларининг бўш кетиши учун жавобгарлик “Истеъмолчи” зиммасига, маҳсулот маҳсул автотранспортида ташиладиган бўлса, транспорт ташкилоти зиммасига тушади.

2.8. Нефт маҳсулотлари қўйилган автоцистерналар (Истеъмолчи)нинг автотранспортида олиб кетиш ҳолатлари бундан муастасно) нефт база ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги мейерий техник ҳужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда тамгаланади. Тамгалаш “Истеъмолчи”нинг талабига биноан амалга оширилади.

2.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 апрелдаги “Нефт-газ тармогининг моливий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4664-сонли қарорига асосан ва “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг 2020 йил 30 апрелдаги 28-02-98/263-сонли хатига асосан бюджет ташкилотлари, пахта хомашеси ва галла ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликлари ва пахта тўқимачилик кластерлари, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ “Тошхартрансхизмат” АЖ, маиший чикиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича давлат қорхоналарига дизел ёки қилгиси (шу жумладан ЭКО маркали дизел ёки қилгиси) ўтган чоракдаги биржа савдолари натижаларига кўра шаклланган ўртача биржа нархларида сотади. Автобензин АИ-80 нефт база МЧЖ томонидан товар хом ашё биржасидан сотиб олинган тикетларга устама қўйилган ҳолда етказиб берилади.

2.10. “Етказиб берувчи”нефт маҳсулотлари таъминотининг узилишлари нефтни қайта ишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темир йўл айби билан ўз вақтида етказиб бермаганлиги учун жавобгарлигини ўз зиммасига олмайди.

2.11. “Истеъмолчи” томонидан унинг ҳудудига олиб келинган нефть маҳсулотларининг қабул қилишда амалдаги ёнгин ва техник хавфсизлиги талаб ва мейерлари тўлиқ амал қилиниши таъминланади.

3. ҲИСОБ – КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб-китоблар учун асос ҳисобланади. Ҳисоб-китоблар тўлов топиришнома асосида амалга оширилади.

3.2. “Истеъмолчи” олаётган нефт маҳсулотлари партияси учун ҳақини олдиндан қамида 5 кун олдин 100% микдорда «Етказиб берувчи»нинг ҳисоб-рақамига ҳақ тўлайди.

3.3. “Етказиб берувчи”нефт маҳсулотларини “Истеъмолчи”га ўтган чоракдаги биржа савдолари натижаларига кўра шаклланган ўртача биржа нархларидан келиб чиқиб, «Етказиб берувчи»нинг сотиб олиш ва транспортловка харажатлари ҳамда устамасини қўшиб шаклланган нархларда сотади.

3.4. Шартнома суммаси нефть маҳсулотларини “Етказиб берувчи” таъминотидан биржа савдолари орқали сотиб олиш нархлари, нефть маҳсулотини ташиш билан боғлиқ темир йўл харажатлари Ўзбекистон Республикаси Ҳуқумати ва Молия Вазирлиги қарорларига асосан ўзгартирилганда ёки нефть маҳсулотлари таъминоти қорхоналарнинг устама нархлари ўзгарганда, ёхуд нархлар бошқа объектив сабабларга кўра ўзгарганда шартноманинг умумий

